Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 12-iyul, shanba № 85 (3434)

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

ЁШЛАР ТАШАББУСИ РАҒБАТЛАНТИРИЛМОҚДА

Фарғонада «Ишбилармон талаба — 2014» стипендияси кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танловда 60 нафар йигит-қиз ўзаро баҳс юритди. Ғолибларни саралашда бизнес-лойиҳада илгари сурилган ташаббусларнинг ҳаётийлиги, бунинг учун ҳуқуқий ва иқтисодий шароитлар яратиш масаласига жиддий эътибор қаратилди. Ўз навбатида, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, юрт тақдири ва келажаги билан боғлиқ интилишлари, билим-тажрибалари яна бир бор синовдан ўтказилди.

Суратларда: *кўрик-танловдан лавҳалар.*

ЎзА фотомухбири Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори биз, талаба-ёшлар қалбида ҳам ажиб туйғуларни уйғотди.

Юксак туйғуларим она юртимга

Юртимизда ёшларнинг салоҳиятини намоён этиши, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариши учун барча имкониятлар яратилган. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан 1999 йилда таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти биз, қизларнинг қалбимизга эзгулик уруғини, тафаккур зиёсини сочиб, ижод, илм-фан, касб-ҳунар, спорт соҳаларида нимага қодир эканлигимизни намоён этишга руҳлантирмоқда. Бугун совриндор қизлар орасида кўп карра Ўзбекистон чемпионлари, фан олимпиадалари ғолиблари, бир неча хорижий тилларни биладиган зукко ва дилбар қизларимиз борлигидан фахр-ифтихор туясан киши.

Баъзан машҳур қўшиқдаги қуйидаги мисралар хаёлимга келади: «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?!». Ва беихтиёр «Мен она Ватан учун нима қилдим?» деган саволни ўз-ўзимга бериб кўраман. Юртимиз ёшларининг бир вакили сифатида бизга кўрсатилаётган эътибор ва иқтидоримизга берилаётган рағбат кўз ўнгимда намоён бўлади.

Ўзим ҳам шундай эътибор рағбатга сазовор бўлган ёшлардан-ман. Мактабда аълога ўқидим, шеърлар ёздим. Ижод намуналарим матбуотда эълон қилинди. 2010 йили эса «Ўрик гули» номли шеърий тўпламим чоп этилди. 2009 йилда мустақиллигимизга бағишлаб ўтказилган «Энг улуғ, энг азиз» кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритдим. Иқтидорли талабалар стипендиясининг совриндори бўлдим.

2011 йили Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдим. Бу эса зиммамга катта масъулият юклади. Ажойиб истеъдод соҳибаси, оқила ва доно Зулфияхонимга муносиб издош бўлишга ҳамиша интилиб яшаяпман. Бугунги кунда университетда таҳсил олиш билан бир қаторда Абдулла Қодирий ижоди бўйича илмий изланишлар олиб боряпман.

Зулфияхоним издоши бўлганимдан беҳад фахрланаман. Ишончим комилки, ушбу мукофот истеъдодимни юзага чиқаришда менга қанот бўлади. Она-Ватаним, азиз халқим, муҳтарам Президентимизнинг меҳри, ишончи тимсоли бўлган ушбу мукофотга ҳамиша муносиб бўлиб яшаш бош мақсадимдир!

Юлдуз ЗОИРОВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси

Янгиликлар оқимидан

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Ўзбекистон Бадиий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кўргазмалар саройида Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган кўргазма очилди.

БЕБАҲО БОЙЛИК, МАЪНАВИЙ МУЛК

Унда элликдан ортиқ картина намойиш этилмоқда.

— «Устоз-шогирд» анъаналари асосида яратилаётган асарлар халқимизнинг бебаҳо бойлиги, маънавий мулкига айланиб бормоқда, — дейди «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими раҳбари Абадан Сапарова. — Кўргазмада мамлакатимизнинг гўзал табиати, миллий қадриятларимиз акс эттирилган.

Таниқли мусаввир Мурат Қудайбергеновнинг «Бердақ», «Баҳор», «Мажнунтол», «Аму», «Онамнинг портрети» каби картиналари санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

СИРДАРЁ

Боёвут, Ховос ва Сайхунобод туманларининг поликлиникаларига энг замонавий рентген аппаратлари ўрнатилди.

ТИББИЙ ЖИҲОЗЛАР ТОПШИРИЛДИ

Кейинги йилларда жойларда кўплаб қишлоқ врачлик пунктлари, ихтисослаштирилган тиббий марказлар фаолияти йўлга қўйилиб, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шифо масканлари энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланаётир. Боёвут, Ховос ва Сайхунобод туманларига Жанубий Кореядан рақамли рентген аппаратлари келтирилгани бу борада навбатдаги қадам бўлди.

— Ушбу аппаратлар тезкорлиги, тасвир сифатининг юқорилиги билан ажралиб туради, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси масъул ходими Норқўзи Тилагов. — Аппаратда олинган тасвирни электрон тарзда тақдим этиш, компютер базасида узоқ вақт сақлаш имконияти мавжуд. Бу эса касалликни аниқлаш билан боғлиқ ишларни тезлаштириш, турли муддатдаги маълумотларни солиштириш, бир сўз билан айтганда, тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини ошириш имконини беради.

ЎзА

Ёз — 2014

Юртимизда болаларни ёзги соғломлаштириш мавсуми қизғин паллада. Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тизимида 5 та оромгоҳ фаолият кўрсатмоқда. Таъкидлаш жоизки, жорий йилда ҳар бир оромгоҳни спорт анжомлари билан таъминлаш, «Маънавият-маърифат» хоналарини жиҳозлаш ва кутубхона китоб фондини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Мавсум қизғин паллада

«Навоийазот» ОАЖга қарашли «Офтобжон» оромгоҳида дам олаётган ҳар бир боланинг жисмонан ва маънан чиниқиши учун барча имкониятдан фойдаланилаяпти. Жумладан, «Озод элнинг ўғлиман — обод элнинг ўғлиман» шиори остида эл ардоғидаги инсонлар билан учрашувлар, «Ҳур диёр — Ўзбекистон», «Осмонимиз тинч бўлсин» мавзуларидаги кўрик-танловлар, «Ширин» маданият саройи қошидаги «Аср» рақс ансамблининг концерт дастурлари ва турли маданий тадбирлар болаларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Гуруҳлар ўртасида «Қувноқ эстафета», мини-футбол бўйича «Офтобжон» чемпионати, спортнинг 5 тури бўйича спартакиадалар мунтазам уюштириб борилаётир.

«Кимёгар» («Максам-Чирчиқ» ОАЖ) оромгоҳининг 1-босқичида 339 нафар бола ҳордиқ чиқарган бўлса, 2-босқичда дам олувчилар сони 350 нафардан ошди. Улардан 30 нафари «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари, 34 нафари кам таъминланган, кўп болали, ёлғиз оилалар ва 15 нафари ички ишлар бўлимида ишлаган ва ўз хизмат вазифасини бажараётганда ҳалок бўлган ходимларнинг фарзандларидир. Оромгоҳда мавсумни юқори савияда ўтказишга катта аҳамият берилаяпти. «Танишув кечаси», «Шеър ва қўшиқлар», «Биз санъатсевар болалармиз» танловлари, «Рақс» кўриги, «Ассалом, ёз — 2014», «Кулги кечаси» шоу тадбирлари ва айниқса, «Биз ягона оиламиз» шиори остида ўтказилган фестивал болалар ўртасида соғлом ҳаёт тарзини тарғиб қилиш, турли миллатга мансуб ўғил-қизлар орасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилди. Бадиий-ижодий тўгаракларда (инглиз тили, хореография, рақс, шейпинг, моҳир қўллар, автомодел, бисер, лой иши, тасвирий санъат) болалар фаол иштирок этиб, истеъдодларини намоён қилишмоқда. Доимий ўтказиладиган спартакиададан ташқари, «Қувноқ стартлар», «Умид стартлари», «Тезроқ, баландроқ, кучлироқ» ва бошқа тадбирлар болаларнинг очилмаган истеъдодларига қанот бахш этаётир.

«Фарғонаазот» ОАЖга қарашли «Кимёгар» оромгоҳида касаба уюшма қўмитасининг мунтазам назорати туфайли болаларни мазмунли дам олдириш, оромгоҳларни педагог ва тиббиёт ходимлари, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида ижобий натижаларга эришилди. Концерт дастурлари, саҳналаштирилган бадиий чиқишлар, кўрик-танловлар, «Ўзбекистон — тинчлик уйи» шиори остида асфалтга расм чизиш, «Қувноқлар ва зукколар» шоуси, «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида ижодий учрашувлар, «Замонавий эртаклар», «Ақллилар ва зукколар», «Ёш юлдузлар ёғдуси» каби кўрик-танловлар, маданият ва санъат намояндалари билан давра суҳбатлари, спортнинг оммавий турлари бўйича мусобақалар, «Умид ниҳоллари» спартакиадаси каби тадбирлардан болалар мамнун. Шунингдек, болалар 8 та тўгарак машғулотларида қатнашиб, оромгоҳнинг «Энг яхши ижодий ишлар тақдимоти» кўргазмасида ўз ишларини намойиш этишди.

(Давоми 2-саҳифада).

Илмий-амалий конференция

Фарғона политехника институтида «Вояга етмаганларни турли маънавий таҳдидлар ва информацион хуружлардан ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Тадбир Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Фарғона вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилди.

Конференцияда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев қатнашди ва «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида касаба уюшмаларининг роли» мавзусида маъруза қилди.

Икки кун давом этган конференция якунида иштирокчилар Фарғона, Марғилон ва Қўқон шаҳарларида бўлиб, мустақиллик шарофати билан бунёд этилган иншоотлар билан яқиндан танишди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Касаба уюшмалари: фаолиятга янгича ёндашув

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!

— Муборак айём бўсағасида турибмиз. Ҳадемай энг улуғ ва энг азиз байрам — Мустақилликнинг 23 йиллиги кенг нишонланади. Тарих учун ғоят қисқа ушбу даврда юртимизда асрларга тенг шонли йўл босиб ўтилди. Жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга хос мавқега эгалигимиздан, эришаётган залворли ютуқларимиз дунё аҳли томонидан тан олинаётганидан ҳар биримиз фахрланамиз ва ғурурланамиз. Гап муваффақиятлар ҳақида борар экан, бу Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели» билан бевосита боғлиқлиги алоҳида эътирофга лойиқдир.

Ҳамиша меҳр-эътибор оғушида

Давр талабларидан келиб чиқиб касаба уюшмаларида амалга оширилаётган фаолиятга янгича ёндашув ҳар биримиздан янада масъулият ва ташаббус кўрсатиб ишлашни талаб этмоқда. Зеро, оммавий ташкилотимиз сафида турган ҳар бир инсон тақдири, қонуний манфаатлари ҳимояси, оиласи, фарзандлари камоли касаба уюшма фаолларининг саъй-ҳаракатлари, ташаббускорлиги ва фидойилигига бевосита боғлиқдир.

Маълумки, бошланғич ташкилотлар касаба уюшмаларини меҳнаткаш халқ билан боғлаб турган энг ишончли ришта ҳисобланади. Тизимдаги ҳаётбахшлик, меҳнаткашларга яқинлик ва самимий мулоқотлар айнан шу манзилдан бошланади. Демак, ишимиз мезони ва мазмун-моҳияти бошланғичларнинг қай даражада ишлашига боғлиқдир. Шуни ҳисобга олиб бошланғич ташкилотларнинг ўрни ва ролини оширишга алоҳида эътибор қаратдик. Шу мақсадда бирлашма кенгашида тузилган ишчи гуруҳлари томонидан вилоятдаги 12 та туманда сайёр семинарлар ўтказилиб, 600 нафардан ортиқ бошланғич касаба уюшма раислари-нинг касаба уюшма фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этиш тўғрисидаги билим ва кўникмалари мустаҳкамланди.

ЎзА суратлари

«Бошланғич ташкилот — касаба уюшмасининг асоси» лойиҳаси доирасида вилоят касаба уюшма ташкилотлари томонидан манзилли чора-тадбирлар белгилаб олинди. Ҳар бир бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолиятини намунали ташкил этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бошланғичлар фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида, иш берувчиларнинг қўллаб-қувватлаши натижасида ҳар бир бошланғич ташкилот учун алоҳида хона ажратилиб, етарли даражада жиҳозланишига эришилди. Жорий йилнинг 21 май куни 2013 йилги «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида 3-ўринни эгаллаган Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги Ғиждувон туман тиббиёт бирлашмаси бошланғич касаба уюшма қўмитаси ва Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги «Файз» фермер хўжалиги бошланғич касаба уюшма қўмитаси базасида вилоят амалий семинари ўтказилди.

Қилинган яхши ишлардан бири, бу тизимда олиб борилган такомиллаштириш жараёнида касаба уюшма ташкилотларининг вазифаларини қуйи бўғин фаолларига етказиш ҳам автоматлаштирилганлигидир. Молия ва ижтимоий суғурта бўлимларига молиявий ҳисобот ва таҳлиллар оширилиб электрон дастурлари ўрнатилди. Тармоқ туман ва шаҳар кенгашлари, вилоятда фаолияти намунали йўлга қўйилган 400 дан ортиқ бошланғич касаба уюшма ташкилоти билан доимий электрон алоқа жорий этилди.

Нодавлат сектори корхона ва ташкилотларини касаба уюшма аъзолигига жалб этиш ишларини такомиллаштириш мақсадида вилоят статистика бошқармаси билан аниқ режалаштирилган иш олиб борилмоқда. Унга кўра, вилоятда мавжуд 24 851 та нодавлат сектори ташкилот ва корхоналаридан касаба уюшмасига аъзо бўлмаган 126 672 нафар ишчи-ходимлари бўлган 6683 та нодавлат сектори корхоналари ажратиб олинди. Солиқ органлари билан ҳамкорликда барча бозорларда муқим савдо ўринларига эга бўлган тадбиркорлар рўйхати шакллантирилди. Натижада, вилоятда ўтган йилда 257 та нодавлат сектори корхона ва ташкилотларида фаолият юритаётган 2384 нафар ходим касаба уюшма аъзолигига жалб этилди.

Жорий йилнинг 1-ярмида 1458 та нодавлат сектори корхона ва ташкилотлари, якка тартибда фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларида фаолият юритаётган 5860 нафар ходим касаба уюшма аъзолигига қабул қилинди.

(Давоми 2-3-саҳифаларда).

Касаба уюшмалари:

ФАОЛИЯТГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Ishonch
2014-yil 12-iyul № 85 (3434)

Мавсум қизғин паллада

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Чимён тоғлари бағрида жойлашган «Чимён» («Аммафос-Максам» ОАЖ) оромгоҳига ташриф буюрган киши болажонларнинг шодон ўйин-кулгисидан бир қувонса, турли тўгаракларда бандлиги, маданий-маърифий ва спорт тадбирларида фаол иштирок этаётганидан яна бир қувонади. Бу ерда замонавий дизайн асосида қайта таъмирланган ва безатилган бинолар, ёзги дам олиш жойлари, ўйингоҳлар, ям-яшил майсалар, фаввора, сузиш ҳавзаси ва спорт майдончаларида севимли мултфилм қаҳрамонларининг суратларини кўриш мумкин. Оромгоҳда ўтказилган тадбирларда Қорақалпоғистон Республикасидан келган болалар иштирокида турли мавзулардаги танлов, давра суҳбати, интеллектуал ўйин, викториналар, расм чизиш ҳамда ҳар навбатнинг ёпилиш маросимидаги бадиий чиқишларни кўриб, мустақил диёрда вояга етаётган бахтиёр авлодга беихтиёр ҳавас қиласиз.

«Камалак» («Навоий электркимё заводи» ЁАЖ, ҚК) оромгоҳида болаларнинг мазмунли дам олиши учун барча шароит муҳайё этилган бўлиб, замонавий кутубхона, «Маънавият ва маърифат» хонаси, ётоқхона, ошхона, спорт майдончалари, сузиш ҳавзаси болажонлар хизматида. Масканнинг 2-босқичи очилиш маросимида Навбаҳор туман маданият ва спорт ишлари бўлими қошидаги «Навбаҳор таронаси» ва «Камалак» болалар халқ ансамбларининг жозибали қўшиқ ва рақслари болажонларга завқ улашди. Мушоира тарзида ўтган тадбирларда дам олувчилар йиғилганларга ўзлари яхши кўрган шоирлар шеърларидан, шу билан бирга, ўз ижод намуналаридан ўқиб беришди. Навоий вилоятининг А.Қодирий номидаги Ахборот-ресурс маркази ходимлари томонидан «Эртаклар — яхшиликка етаклар» мавзусида овозли ўқиш ва китоб кўргазмаси ўтказилди. Шунингдек, гуруҳлар ўртасидаги «Камалак чемпионати»да енгил атлетика, стол тенниси, арқон тортиш, шашка, шахмат, қизлар ўртасида мини-футбол, «Қувноқ стартлар» ўтказилиши болажонларнинг мавсумдаги таассуротини янада бойитиб, мароқли дам олишини таъминламоқда.

Оромгоҳларда яратилган шароитлар, турли маданий-маърифий ва спорт тадбирлари болаларда кўтаринки руҳ, хуш кайфият уйғотаётир.

М.ХАЛИЛОВА,
Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг раиси

Олтинсой туманининг тоғли Катта Вахшивор қишлоғида жойлашган Денов туман «Йўл хизмати пудрат-таъмирлаш, фойдаланиш» корхонаси тасарруфидаги «Вахшивор» оромгоҳида дам олиш истагини билдирувчи болажонлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Сервиқор арчалар, салобат тўкиб турган азим чинорлар жанубнинг жазирама иссиқ кунларида кишига ҳаловат бағишлайди.

Қорли тоғлар қўйнида

«Термиз» халқаро аэропорти ходимларининг фарзандлари ҳам кўп йиллардан буён мазкур оромгоҳда соғломлаштирилади. Масканга чорак асрдан буён Абдувоси ҳожи Каримов раҳбарлик қилиб келмоқда. Барча қулайликка эга оромгоҳ ҳақида ота-оналар ҳам, дам олувчилар ҳам мамнуният билан гапиради.

— Жорий мавсумни ҳар йилгидан-да сермазмун ташкил этишга ҳаракат қилдик. Биринчи босқичда 300 нафар болани қабул қилдик, — дейди биз билан суҳбатда оромгоҳ бош тарбиячиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Нарзулла Ҳотамов. — Масканимизда Термиз, Бойсун, Қумқўрғон туманларининг мактаб ўқувчилари таътилни ўтказишмоқда. Улар қизиқишига қараб машғулотларга жалб қилинаяпти. Тез-тез концерт дастурлари намойиш этилмоқда. «Камолот» ЁИҲ туман кенгаши фаоллари иштирокида қизиқарли учрашув ва суҳбатлар уюштирилмоқда. Тўртта спорт майдончасида машғулотлар олиб борилаётир. Оромгоҳ шифокорлари саломатлигини мунтазам назорат қилишмоқда. Қизиқарли китобларга бой кутубхона доимо гавжум. Бу ерда давра суҳбати ва анжуманлар уюштириш анъанага айланган.

Ҳар босқичда навбати билан қадамжо ва манзарали жойларга, жумладан, Вахшивордаги шаршараларга саёҳат уюштирилади.

— Оромгоҳда шароитлар жуда яхши. Тўгараклар, спорт мусобақаларида қатнашиб, зилол сувли бассейнда чўмилиш энг севимли машғулотимиз, — дейди Термиз туманидаги 7-умумтаълим мактаби ўқувчилари опа-сингил Муаззам ва Дилора Самадова. — Вилоятимизнинг турли туманларидан келган кўплаб тенгдошларимиз билан дўстлашдик. «Маънавият ва маърифат» хонасида ҳар хил маданий тадбирлар ўтказилаяпти.

— Соғлом бола йилида оромгоҳга алоҳида эътибор берилди, — дейди Нарзулла Ҳотамов. — Ўғил-қизлар учун чиройли мебеллар, спорт анжомлари ва бошқа зарур буюмлар етарлича етказиб берилди. Иккита бассейн улар хизматида. Иссиқ ва совуқ сувли душ ҳамда гигиена хоналари ишлаб турибди.

Тоғ этагида жойлашган «Вахшивор» оромгоҳида воҳамизнинг бахтли ўғил-қизлари меҳр оғушида камол топмоқда.

Зиёвуддин НАЖМИДДИНОВ,
«Термиз» халқаро аэропорти касаба уюшма қўмитаси раиси

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА

Ҳамиша меҳр-эътибор

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг иш берувчилар томонидан ижросини ўрганиш бўйича 73 та корхона, ташкилот ва муассасаларда бўлиб, ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Аниқланган қонунбузилишлар юзасидан иш берувчи ва касаба уюшма ташкилотлари ҳамда юқори органларга тақдимномалар киритилиб, қаноатлантирилди. Келиб тушган аризаларни ўрганиш натижасида аниқланган қонунбузилишлар юзасидан ходимларга етказилган 10 млн. сўмдан ортиқ миқдоридаги пул маблағлари ундириб берилди.

Судларда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларининг ҳимояси юзасидан 34 маротаба иштирок этилиб, улардан 14 нафар ходим суд орқали, 4 нафар ходим касаба уюшмаси аралашуви билан ишга қайта тикланди.

Жорий йилнинг 6 ойида 32 марта ҳуқуқ-тарғибот ишлари ўтказилди. Шундан 17 таси меҳнат жамоалари, 4 таси қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинларида, 1 маротаба телевидение орқали ва 7 таси интернет орқали ташкиллаштирилди. Ҳуқуқий тарғиботларда 3570 нафар касаба уюшма аъзоси, ёшлар кенгашлари фаоллари, бошланғич касаба уюшма ташкилотига янги сайланган аъзолар иштирок этди.

Кези келганда, ЎзКУФК ва бирлашма кенгашининг интернет тармоғидаги сайтларида «Савол беринг, жавоб берамиз» саҳифаси фуқаролар томонидан илиқ кутиб олинганини таъкидлашни истардим.

Ўтган 6 ой давомида касаба уюшма аъзолари ва иш берувчилар учун ҳуқуқий мавзуларда 30 дан ортиқ ўқув-семинар ўтказилгани фаолиятимизда ўзининг ижобий самарасини бериши шубҳасиз.

Бугунги кунда вилоятда ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2013-2015 йиллар учун 1 та ҳудудий келишув, туманлар ва шаҳарлар миқёсидаги 14 та ҳудудий-тармоқ келишуви, бевосита корхона ва ташкилотларда эса 6076 та жамоа шартномалари амал қилмоқда.

«Ҳар бир инсон меҳр-эътибор оғушида» мавзуидаги чора-тадбирлар доирасида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан 474 нафар ёлғиз кекса ва ногиронларга 37,9 млн. сўмлик моддий ёрдам уюштирилди.

Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман, шаҳар марказлари мутахассислари билан ҳамкорликда ўтган даврда 262 та корхона ва ташкилотда 1860 та янги иш ўрни ҳақиқатда яратилгани ўрганиб чиқилди. Айни пайтда касаба уюшма аъзолари меҳнатидан фойдаланадиган 749 та корхона ва ташкилотда 5155 нафар касаначи меҳнати мониторингга олинган. Барча касаначилар билан меҳнат шартномалари тузилган, уларга буюртмалар ва иш ҳақи ўз вақтида бериб борилмоқда. Барча касаначилар касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилинган бўлиб, корхона ва ташкилотларнинг жамоа шартномаларига асосан тегишли имтиёзлардан фойдаланиб келмоқда.

Вилоят бирлашмаси мутахассислари томонидан бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари ва фаоллари учун «Касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолларининг асосий вазифалари» мавзуида ўқув-семинарлар ўтказилмоқда.

Ҳуқуқий саводхонликни ошириб бориш ҳамиша диққат марказимизда. Халқаро меҳнат ташкилотининг 182- ва 138-Конвенциялари юзасидан турли тармоқларда ташкил этилган ўқувларда 600 нафардан ортиқ турли даражадаги иш берувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлиги оширилди.

Жамоа шартномалари тадбирларининг бажарилиши бўйича бир ходимга ўртача 577,2 минг сўм маблағ сарфланди. Бу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 102 минг сўмга кўп дегани. Жорий йилнинг ўтган даврида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 3480 нафар фуқаро ва 313 та оилага 322,3 млн. сўмлик моддий кўмак берилди. Жумладан, 46 та корхонада 51 нафар ходим фарзандларига чет тилларини ўргатиш учун 5,3 млн. сўм йўналтирилди.

Меҳнат жамоаларида фаолият кўрсатаётган ногиронларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш мақсадида ногиронлар фаолият кўрсатаётган корхоналар ўртасида бирлашма кенгашининг соврини учун спортнинг шахмат, шашка, армрестлинг турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди. Жумладан, таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Пешку туман кенгаши томонидан «Ота, она, бола — спортчи оила» шиори остида спорт мусобақаси, тармоқнинг Когон шаҳар кенгаши томонидан коллеж талабалари ўртасида спортнинг 5 та тури бўйича спартакиадалар ўтказилди.

Бухоро

Вилоят меҳнаткашлари ўртасида туризмни ривожлантириш мақсадида республикамизнинг тарихий шаҳарларига жамоавий саёҳатлар ташкил этилмоқда. Бултур вилоятдаги 4226 нафар ишчи-ходимнинг, шунингдек, 1520 нафар кам таъминланган оилалар аъзоларининг Бухоро шаҳридаги тарихий обидаларга саёҳатлари уюштирилди. Шу йилнинг ўзида эҳтиёжманд оилаларнинг 185 нафар аъзоси билан Навоий, Самарқанд, Тошкент, Шаҳрисабз, Қарши каби тарихий шаҳарлар ва «Етти пир» зиёратгоҳига жамоавий чиқишлар ташкил этилди.

Факт ва рақамлар

Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотларида 2014 йил 1 январ ҳолатида касаба уюшма аъзолари сони 357 117 нафарни, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари 2040 та, тармоқ касаба уюшмаларининг туман ва шаҳар кенгашлари сони 45 тани ташкил этади.

***

2014 йилнинг биринчи ярмида вилоятнинг 1458 та нодавлат сектори корхона ва ташкилотлари, якка тартибда фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларида 5860 нафар ходим касаба уюшма аъзолигига қабул қилинди.

***

«Бухоро вилоятини 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш дастури» доирасида 2014 йилда жами қиймати 308,9 млрд. сўм ва 1900 минг АҚШ долларига тенг бўлган 1538 та лойиҳани амалга ошириш ҳамда унинг эвазига 11421 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

***

Йилнинг устувор вазифаларидан бири бўлган янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 2014 йилда вилоят меҳнат бозорига 75,5 минг нафар фуқаронинг кириб келиши кутилмоқда.

Эзгу ишда камарбастамиз

Тасарруфимиздаги бошланғич ташкилотлар мавқеини ошириш, кадрлар салоҳиятига эътибор қаратиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш ҳамда ҳар бир ишга давр талаби даражасида ёндашув фаолиятимизнинг мухтасар мундарижасидир.

Айни кунда кенгашимиз тасарруфида 50 та ташкилот бўлиб, 6207 нафар касаба уюшма аъзосини ўзига бириктирган. Ибратли ишлардан андоза олиш, илғор тажрибаларни ўрганиш туфайли самарадорлик муттасил ортиб бораётир. Электрон тизим такомиллаштирилгани иш сифатини бир мунча оширди. Маънавият, дам олиш хоналари керакли жиҳозлар билан бойитилди. «Касаба уюшмасига аъзо бўлинг» мавзуидаги буклетлар, касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини ифодаловчи стендлар тарғибот самадорлигини кучайтирмоқда.

Фаолиятимизнинг тубдан такомиллашиб бораётгани аъзоларимизга катта наф келтираётир. Ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан сиҳатгоҳларда дам олиб, саломатлигини таклаётганлар кўпайди. Масалан, ўтган йили кам таъминланган оилага мансуб 28 нафар ходимга моддий ёрдам кўрсатилди. 21 нафар фаоллар рағбатлантирилди. 7 нафар ходимлар фарзандларининг контракт тўловлари қисман қопланди.

Ходимлар ўртасида оммавий спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш иш самарадорлигини яхшилашга мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда. Ўтаётган ҳар бир маънавий тадбир ходимларга маънавий-руҳий мадад бўлиб, кўтаринки кайфият улашмоқда.

Спортнинг таълим-тарбия билан мутаносиб равишда ривожлантирилиши улуғ мақсад ва муддаоларимизни рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлаётир. 7-Олимпия спорт мактаб-интернати ўқувчилари республика чемпионатларида 29 та медал соҳибига айланишди. Халқаро ва республика турнирларида эса 80 та медал қўлга киритилди. Айниқса, ёшлар ўртасида 2013 йилда Қозоғистон Республикасида ўтказилган Халқаро турнирда Бекзод Хайруллаев ва Асаджон Матқурбонов каби спортчиларнинг шоҳсупага кўтарилишида Рустам Тўраев, Дилшод Тўраев каби устоз мураббийларнинг хизматлари катта. Спортнинг муай-тай тури бўйича Малайзия давлатида ўтказилган Жаҳон чемпионатида эса Жобир Тошпўлатов (91 кг.дан оғир вазнда) 2- ўрин, Фаррух Қаҳрамонов (54 кг.) 3-ўринга кўтарилишди.

«Касаба уюшмаси — болаларга» акцияси доирасида тумандаги мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур!» шиори остида «Кичкинтой- ширинтой» спорт мусобақаси ўтказилди. Жажжи иштирокчилар туман кенгаши томонидан спорт анжомлари билан тақдирландилар. Акция доирасида 30 нафар кам таъминланган оила фарзандлари ўқув қуроллари билан таъминланди.

7 нафар кам таъминланган тармоқ ходимларининг фарзандлари учун касаба уюшмасининг «Қалдирғоч» стипендияси жорий этилди.

Соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу ишда камарбаста бўлаётган тармоқ ходимларининг ҳар бири эътибор ва рағбатга лойиқдир. Уларга хизмат қилиш эса бизни янги марралар сари чорлайверади.

Латофат БОБОЕВА,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Олот туман кенгаши раиси

«Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» республика танловига

Биз истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот беришимиз керак.
Ислом КАРИМОВ

Истиқлолдан ёхуд дунёга машҳур

Ҳаётда шундай одамлар борки, улар давраларда оғиз кўпиртириб гапирмайди, унчалик кўзга ҳам ташланмайди, аммо уларнинг юрагидаги маънавият-маърифат зиёсидан атрофга эзгуликлар таралади. Ниятлари силсиласида умид ниҳоллари барг ёзади. Ирмоқчалар бирлашиб дарёга, дарёлар қўшилиб уммонга айланади.

Аслида, ҳаёт қонуни ҳам шундай: яхшилик теграсида ҳамиша яхшилар кўпаяди. Яхшилик эса ақл, тафаккур ва илмдан куч олиб, дунёга эзгуликлар улашади. Бугун мамлакатимиз зиёлилари ўртасида алоҳида ҳурмат билан тилга олинаётган, иқтидорли ўқувчилари нафақат мамлакатимиз, балки халқаро олимпиадаларда шода-шода медаллар билан мукофотланган Бухоро давлат университети қошидаги 3-Қоракўл академик лицейи директори, Ўзбекистон математиклари жамияти аъзоси, Молия вазирлиги қошидаги Республика китоб фонди уюшмаси аъзоси, Республика ихтисослаштирилган мактаб директорлари кенгашининг раиси Тўхтамурод Жумаев ана шундай фидойилардан. Унинг 100 дан ортиқ илмий, услубий мақолалари республикамиз ва хорижий давлатларнинг матбуот нашрларида чоп этилган.

У не-не тўсиқларни енгиб, айнан республикамизнинг энг чекка тумани Қоракўлда умумтаълим мактабларида ўқув-услубий самарадорликни ошириш мақсадида иқтисослаштирилган иқтидорли болалар мактаб-интернатини ташкил этди. 1991-2009 йилларда иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида ибратли ишларни амалга ошириб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш натижасида республикада алоҳида мавқега эга бўлган ягона таълим муассасасини барпо этди. Ўтган даврда ушбу мактаб қанчадан-қанча иқтидорли ёшлар қалбига эзгулик уруғини, тафаккур зиёсини сочмади, дейсиз. Натижада дунёда ўзбек ёшларининг ҳеч кимдан кам эмаслиги, аксинча, тенглар ичра тенгу яна не-не улуғ зотларга ворис эканлиги амалда намоён бўлди.

— Одам боласининг улуғ ва азиз бўлиши дилидаги иймон ва ақл туфайлидир, — дейди Тўхтамурод Жумаев. — Илм ақлнинг тарбиячиси, жиловдори ҳисобланади. Ҳадиси шарифларда «Илмда осон ва яқин йўл йўқ», «Илм толиби учун ҳамма нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам гуноҳини сўраб истиғфор айтади», дейилган. Тан олиш керакки, лицейимизга қабул қилинган камида 80 фоиз ўқувчиларимизнинг билими бир йилда биз, устозларникига тенглашади. Кейинги йилда эса баъзи илғор ўқувчиларимиз ўзиб ҳам кетишади.

Устознинг сўзларида муболаға йўқ. Фикримиз исботи учун бир мисол, АҚШда бўлиб ўтган халқаро математика фан олимпиадасида иштирок этган шогирди Умид Раҳмонов берилган топшириқларни 3 соатда бажариб, кумуш медал соҳиби бўлди. Қизиғи, айнан шу масаланинг ечимини айрим хорижлик профессорлар икки кундан сўнг топишди.

Мурод, Тўлқин, Дониёр, Азиз, Умрзоқ, Меҳриддин, Зулфиддин, Тоҳир, Ўткир, Жалол, Шоҳруҳ, Зафар, Сухроб, Отахон, Рустам, Собит, Бекзод, Шерзод, Жаҳонгир, Жамшид, Учқун, Жасур, Омон, Отабек, Элбек, Жавлон, Ҳамроз, Озод, Алишер, Суръат, Рамазон, Ризамат, Шерзод, Аброр, Азизхон, Зуфар, Суннатилло, Рустам... буларнинг бари Умид Раҳмоновдек ўзбек ёшларининг нималарга қодирлигини дунёга намойиш этган жаҳон фан олимпиадаси ғолиб ва совриндорлари. Улар сафи ҳар йили ошиб бораётгани эса кишида фахр туйғуларини уйғотади.

Устознинг 50 нафарга яқин шогирди Халқаро олимпиадаларда ғолибликни қўлга киритиб, мамлакатимиз шуҳратига шуҳрат қўшган бўлса, 50 нафардан ортиғи республика фан олимпиадаларида ғолиб чиқиб, имтиёзли суратда олийгоҳларда ўқишга ки-

Ishonch
2014-yil 12-iyul № 85 (3434)

АЗИЗДИР ИНСОН!

ВИЛОЯТИ ОҒУШИДА

Болалар истиқлолнинг умид ниҳолларидир. Уларнинг истиқболи учун қилинган ҳар қандай эзгу иш ўз самарасини беражак. «Касаба уюшмаси — болаларга» акцияси доирасида вилоятда кўплаб хайрли ишлар қилинди. Бухоро шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан «Бола шодлигидан олам мунаввар» мавзуида маданий тадбир уюштирилди. Тадбир сўнгида ЎзКУФК томонидан ажратилган компютер жамланмаси интернат уйига топширилди. Бухоро шаҳридаги 32-«Меҳрибонлик» уйининг 40 нафар тарбияланувчиси учун «Биз — Мустақиллик фарзандларимиз» шиори остида Самарқанд шаҳрига саёҳат ташкил этилди.

Вилоятда ёзги таътилни мароқли ташкил этиш ва сўлим оромгоҳларда болаларни дам олдиришга алоҳида эътибор қаратилди. Соғлом бола йилида 17 та стационар оромгоҳда 6500 нафар ва 90 та мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳда 10 500 нафар, жами 17000 нафар боланинг дам олдирилиши кўзда тутилган. Бунинг учун шаҳар орти стационар оромгоҳларга 847 млн. 954 минг сўм (ижтимоий суғурта маблағидан 217 млн. 859 минг сўм, ҳомийлардан 630 млн. 95 минг сўм) сарфланади.

Жорий йилнинг 1-ярмида вилоятдаги 2034 та корхона ва ташкилотда ўтказилган «Маънавият соатлари»да 191 428 нафар касаба уюшма аъзоси иштирок этди.

«Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови ҳамда «Ёш мутахассислар» вилоят Форуми юқори савияда уюштирилди. Танловларда 15 та номинация бўйича иқтисодиётнинг турли соҳаларида меҳнат қилаётган 300 нафарга яқин 30 ёшгача бўлган ёш мутахассис иштирок этди. Улардан 15 нафари ўз мутахассисликлари бўйича танловнинг вилоят босқичи ғолиби деб топилди. Форумда Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Шофиркон туманидаги «Азим Шофиркон юлдузи» фермер хўжалиги раҳбари Азим Латипов, Ўзбекистон Қаҳрамони, «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти 1-тўқув фабрикаси йигирувчиси бўлиб ишлаган Мартия Раҳматова, «Дўстлик» ордени соҳиби, халқ депутутлари вилоят кенгаши депутати, Пешку туманидаги «Фаттоев» фермер хўжалиги раҳбари Ёқуб Фаттоев, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати, Ғиждувон туманидаги 62-ихтисослаштирилган мактаб-интернат директори Саид Раҳмоновнинг чиқишлари ёшларни янги зафарларга чорлайдиган унутилмас воқеа бўлди.

Галдаги вазифаларимизнинг доираси кенг, мазмун-моҳияти теран. Ватан фаровонлиги, баркамол авлод истиқболи шу кеча-кундуздаги ҳаракатларимизга боғлиқлиги аён. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори ҳар биримизнинг зиммамизга масъулиятли, аммо шарафли вазифаларни юклайди. Буларнинг барчаси юртдошларимизни Истиқлолнинг истиқболли йўлидан дадил одимлашига даъват этаётганини чуқур ҳис этган ҳолда, амалий иш билан жавоб беришимизни талаб этади.

Гулом САФАРОВ,
Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси

Ўзлигимиз тимсоли

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ўтган «Миллий қадриятлар — ўзлигимиз тимсоли» мавзуидаги навбатдаги «Маънавият соати»да бирлашма аппарати ходимлари ва барча тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашларининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчилари, туман, шаҳар кенгашлари раислари иштирок этди.

Бухоро давлат университети Миллий ғоя ва ҳуқуқ, маънавият асослари кафедраси катта ўқитувчиси Феруза Абдуллаеванинг мавзуга оид маърузасида миллий қадриятлар, ахлоқий тушунчалар, уларнинг ўз табиатига кўра ижтимоий-тарихий характерга эга эканлиги, ижтимоий тараққиёт жараёнида қадриятлар ўзгариб, такомиллашиб бориши қайд этилди.

Шунингдек, Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллий ғоя, миллий ғурур, ўзликни англаш ҳақида кенг ва чуқур назарий хулосалар берилиб, маънавиятнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда аҳамияти ҳар томонлама кенг таҳлил этилганлиги, истиқлол йилларида юртимизда миллий маънавиятимизни тиклаш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган улкан ишлар, бу борада олдимизда турган мақсад ва вазифалар ҳақида атрофлича фикр юритилганлиги таъкидланиб, олға сурилган ғояларни оғишмай ҳаётга татбиқ этишга эътибор қаратилди.

Ўқув охирида мавзу юзасидан иштирокчилар ўзларининг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Лобар БАРАКАЕВА,
Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси

Касаба уюшмалари аъзолари сафини кенгайтириш масаласи ҳамиша фаолиятимизнинг асосий мезонларидан бири саналган. Аммо ҳар қанча ҳаракат қилмайлик, узоқ вақт кутилган натижага эришолмаганимиз бор гап. Бу ҳақда кўп гапирилган. Муҳокамаларда танбеҳлар берилган. Барибир, муаммолар тўлиқ бартараф этилмай қолавераётганди. Ниҳоят, ўтган йилдан бошлаб масаланинг аниқ механизми юзага келди.

Манзилли чора-тадбирлар

изчиллик билан амалга оширилмоқда

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2013 йил 23 июлдаги қарорида нодавлат сектори корхоналари ходимларини касаба уюшмасига жалб этиш борасидаги ишлар қониқарли ташкил қилинмаётганлиги аниқ далиллар асосида чуқур таҳлил қилинди ва галдаги устувор вазифалар белгиланди. Биз мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида изчил ҳаракатни бошладик. Чунончи, чора-тадбирлар режасини туман, шаҳар кенгашларига етказдик ва бажарилишини назоратга олдик. Ўз ўрнида уларга амалий ёрдам беришни ташкил этдик ҳамда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг мониторингини олиб бордик. Натижа ижобий томонга кескин ўзгарди.

Фикримни қуйидаги далиллар ҳам исботлайди. Масалан, жорий йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг сони 192 та бўлиб, уларда ишлаётган 25017 нафар ходим касаба уюшма аъзолигига олинган эди. Ортда қолган олти ой мобайнида эса бевосита тармоқ касаба уюшма саъй-ҳаракатлари билан 390 та юридик мақомга эга бўлган фирма, хусусий корхоналар, якка тартибдаги ҳамда оилавий тадбиркорлар, ҳунармандлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида шартномалар тузилди. Уларда ишловчи 1460 нафар ишчи-хизматчи касаба уюшма аъзолигига олинди.

«Бошланғич ташкилот — касаба уюшмасининг асоси» лойиҳаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 2014 йилдаги фаолиятининг энг устувор йўналишларидан бири қилиб белгиланган. Ушбу вазифани бажариш мақсадида вилоят касаба уюшма ташкилотлари томонидан манзилли чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бунда касаба уюшма аъзолигининг афзалликларини атрофлича тарғиб қилиш, бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бухоро шаҳридаги «Марказий деҳқон бозори» ОАЖда 78 нафар юридик шахсни аъзо сифатида бошланғич ташкилотга киритилишига эришилди. Шунингдек, «Шарқ деҳқон бозори» МЧЖ, «Ситора бозори», «Тўқимачи бозор» ОАЖ лари ҳудудидаги турғун савдо билан шуғулланувчи ва хусусий тадбиркорлардан 30-40 нафари касаба уюшмаси сафига қўшилди. Бундай далилларни ҳар бир туман мисолида келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси ҳузурида жорий йилда ташкил этилган Бухоро шаҳри, Ғиждувон, Қоракўл, Олот, Бухоро туманлари ахборот-маслаҳат марказлари, «Ҳунарманд» уюшмаси вилоят бошқармасидан 500 нафарга яқин ходим ҳам касаба уюшма аъзолигига жалб этилди. Ушбу жараён бундан кейин ҳам давом эттирилади.

Нодира АЛИМОВА,
Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмасининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Ромитан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг қарори билан намунали туман сифатида эътироф этилган. Биз буни меҳнатимизга берилган юқори баҳо ва юксак ишонч сифатида қабул қилганмиз. Шу боис ана шу ишончни тўла оқлаш ва бошқалардан бир қадам олға юриш ҳаракатидамиз.

Намунали бўлиш масъулияти

Айни пайтда туман кенгашимиз ўз таркибига 27 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти ва жами 7477 нафар аъзони бирлаштирган. Жорий йилда 12 та нодавлат секторидан 107 нафар ходим сафимизга қўшилди.

Янгиланиш жараёнида фаолиятимиз доираси бир мунча кенгаймоқда. Айниқса, келажагимиз эгалари ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эътибор ҳар қачонгидан кучайтирилган. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида туманда «Йилнинг энг фаол ёш фермери» номинацияси бўйича ўттиз ёшгача бўлган фермер хўжаликлари раҳбарлари ўртасида кўриктанлов ўтказдик. Унда «Жамшид Фаршид замини» фермер хўжалиги раҳбари Жамшид Раззоқов ғолиб чиқди. Кейинчалик у вилоят босқичида ҳам биринчи ўринни эгаллаб, кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида астойдил ҳаракат қилаяпмиз. Ҳозиргача 68 та кам таъминланган оила вакилларига 9 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Касаба уюшма аъзоларини соғломлаштириш, санаторийларда йўлланмалар орқали даволанишлари учун ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан 16 млн. 515 минг сўм йўналтирилди, шундан 1 та йўлланма эҳтиёжманд аёл учун бепул ажратилди.

Ўтган йили санаторийларга бериладиган йўлланмалардан 36 тасига эга бўлган эдик. Жорий йилнинг ўтган даврида ушбу миқдор 28 тага етди. Йўлланмалар учун касаба уюшма маблағлари ҳисобидан 19,4 млн. сўм сарфланди. Бу ҳам фаровонлик ошаётганига бир далилдир.

Биз бошлаган хайрли ишларимизни изчил давом эттираяпмиз. Токи ушбу ҳаракатлар юрт тинчлиги ва фаровонлигига тўлақонли хизмат қилсин!

Улуғбек АТОЕВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Ромитан туман кенгаши раиси

Қўшсаҳифа материалларини «Ishonch» мухбирлари Амина ҚОДИРОВА ва Иззатулла ҲОЖИЕВ тайёрлади.

Юксалган чўққи

Қоракўл лицейи шуҳрати

— 2013-2014 ўқув йилида академик лицейимизнинг 3 та таълим йўналишини 148 нафар битирувчи тамомлади, шундан 74 нафари аъло даражали, 74 нафари оддий диплом билан тақдирланди. Кимё фанидан жаҳон олимпиадаси ғолиби бўлган икки ўқувчимиз муддатдан олдин олийгоҳ талабаси бўлди, — дейди устоз. — Математика, физика, кимё, биология, ўзбек тили ва адабиёти фанларидан 7 нафар талабамиз республика фан олимпиадасида муваффақиятли иштирок этди, математика, физика, кимё, биология фанларидан жаҳон олимпиадаларига саралаш босқичи орқали 5 нафар талаба танлаб олинди.

Устоз шогирдлари, ўзи яратган мактаби ҳақида фахр билан сўзлайди. Узоқларга қадалган нигоҳида шогирдларининг истиқболини кўргандек бўлади.

ИЛМ ЯХШИЛИКДАН ОЗИҚЛАНАДИ

Мирзо Улуғбек қурдирган Бухородаги мадраса дарвозасига «Илм олмоққа интилиш ҳар бир муслим ва муслима учун қарзу фарздир», деган сўзлар ўйиб ёзилган. Бунинг ўзига хос рамзий маъноси бор. Қадим китобларда Бухоро олимлар кўп туғиладиган замин сифатида эътироф этилган. Оллоҳ ўзининг севикли бандасигагина бемисл ақлу заковат, зеҳну идрок ва илм-маърифатга чексиз меҳр-муҳаббат ато этади. Ана шундай илмга, иқтидорлиларга меҳр Тўхтамурод Жумаев қалбида бундан 25 йиллар аввал ловуллаб ёнди, йиллар давомида кучайса кучайдики, пасаймади. Шамол тин олса олдики, у иқтидорлилар мактабини очиш ва шогирдлари камоли учун ҳаракатдан тўхтамади: янги режалар тузди, нурли манзиллар томон йўл очди.

Ёзнинг жазирама иссиғида Бухоронинг Жанубий дарвозасидан чиқиб Қоракўл томон борарканман, хаёлимдан ана шундай ўйлар кечади. Ҳаво ёндираман, дейди. Ғир этган шамол йўқ. Йўл эса чўзилгандан чўзилиб боради. Мен бу йўлдан бор йўғи 5-6 марта ўтганман, негадир ҳар гал у узайиб кетгандек зерикаман. Аммо Тўхтамурод Жумаев бу йўллардан ҳозиргидек равон ва текис бўлмаган, ҳатто Ҳуррият офтоби тегмаган пайтда юрагида бир олам орзу-умид, миллат ва Ватан тақдирига боғлиқ иқтидорли ўқувчилар мактабини очишдек улуғ ғоялари билан ҳар куни вилоят марказига, ундан Тошкентга қатнаган. Йўлнинг узоқлигидан ҳеч қачон нолимаган. Чунки ўшанда унинг мақсади улуғ, нияти эзгуликка туташ эди. Бугун бу йўлдан бизга ўхшаш мухбирлардан ташқари «Қайдасан, Қоракўл лицейи» дея республикамизнинг турли бурчакларидан фарзандлари билан ота-оналар ўтишади. Уларнинг барчаси ўғил-қизини у раҳбарлик қилаётган илм даргоҳида таҳсил олишини хоҳлашади. Негаки, бу ерда ўқиган ўқувчиларнинг қарийб 95 фоизи олийгоҳлар эшигини осон очади. Қувончлиси, уларнинг аксарияти давлат гранти бўйича ўқишади.

Бу ҳолни кўриб, энг кўп Тўхтамурод ака севинади. «Қаранг, шаҳарни ташлаб бизнинг қишлоққа келишаяпти», деб завқланади, фахрланади. Ҳа, илм одамлар олдига эмас, одамлар илмнинг олдига келишади. Бир вақтлар ана шу фикри учун жоҳил амир томонидан Бухородан қувилган Имом ал-Бухорий бобонинг руҳи ҳам бундан шод бўлади.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Бундан ўн йил олдин «Жумаев мактаби» ўқувчиларининг жаҳон олимпиадасидаги ғалабаси ҳақида мақола ёзиш учун Қоракўлга бориб, бир ҳақиқатни англагандим: мактаб ота-она ва ўқувчига эмас, ўқувчи ва ота-она мактабга интилиши керак. Ўтган даврда мактаб-интернат академик лицейга айлантирилди. 360 ўринли ётоқхона қурилди, 2 гектар боғ барпо этилди. Ўқувчиларга тоза экологик муҳит яратиш мақсадида сосна дарахтлари парваришланди.

(Давоми 4-саҳифада).

Реклама ва эълонлар

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!
«UNIVERSAL REALTOR» МЧЖ Андижон вилоят филиали мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 30 июндаги 50-сонли буйруғига асосан қуйидаги давлат активи очиқ аукцион савдосига қўйилади:

Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, Маслаҳат ҚФЙ, Маданий-Меҳнат МФЙда жойлашган 23-сонли мактаб бино ва иншоотлари (эски мактаб биноси).

Балансда сақловчи: Олтинкўл туман ҳокимлиги. Фаолият ихтисоси: маъмурий бошқарув.

Давлат активининг тавсифи: А литер Эски мактаб биноси-1 — 324,31 кв.м., А1 литер эски мактаб биноси-2 — 273,93 кв.м, А2 литер козерек 8,16 кв.м., Б литер эски мактаб биноси-3 — 49,91 кв.м, Б1 литер айвон – 9,45 кв.м, В литер зал — 62,5 кв.м, В1 литер ойнаванд ром 37,50 кв.м, Г литер клуб — 43,4 кв.м, Д литер ҳожатхона 16,2 кв.м, Е литер қозонхона — 2,52 кв.м, Ж литер омборхона — 5,95 кв.м, Ж1 литер қоровулхона 6,9 кв.м, темир дарвоза 8,75 кв.м, асфалт майдон 750 кв.м, чинор дарахти 2 туп, терак — 20 туп.

Бошланғич нархи — 320 022 523 (Уч юз йигирма миллион йигирма икки минг беш юз йигирма уч) сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 14 август куни соат 10:00 да Андижон шаҳар, Навоий шоҳкўчаси, 30-уйда жойлашган давлат рақобат қўмитаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси биносининг 108-хонасида ўтказилади. Талабгорлардан буюртмалар мазкур эълон чоп этилган кундан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилиш бошланади ва 2014 йил 13 август куни соат 17:00 да тўхтатилади.

2014 йил 14 августдаги аукцион савдосида давлат активи сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2014 йил 19, 22, 29 август кунлари соат 10:00 да юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Такрорий аукцион савдоси учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 19 августдаги савдо учун 18 август куни соат 17:00, 2014 йил 22 августдаги савдо учун 21 август куни соат 17:00, 2014 йил 29 августдаги савдо учун 28 август куни соат 17:00 да.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Realtor» МЧЖ Андижон вилоят филиалининг ОАТБ «Асакабанк» Андижон филиалидаги МФО: 00069, СТИР 302 269 399, 2020 8000 1049 7522 8003 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан бирга топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукцион савдоси ғолиби савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида сотувчи билан давлат активи олди-сотди шартномасини имзолаши шарт.

Қўшимча маълумот ва мурожаат учун манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси 30-уй, 108-хона. Телефон: +99890 217-83-46, +99891 124-57-64 www.realtor.uz Email universal.realtor@mail.ru. Лицензия RR № 0127.

Хизматлар лицензияланган.

Аукцион савдолари хабарномаси.
«REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2014 йил 12 август куни соат 11-00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ўтказиладиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 07.01.2014 йилдаги 10-1316/11301-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган Тошкент шаҳар «KASPI» масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг 08.07.2014 йилдаги йиғилиш баённига ва тугатиш бошқарувчисининг 11.07.2014 йилдаги 116-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидаги бошланғич баҳоси 320 502 000 (Уч юз йигирма миллион беш юз икки минг) сўм бўлган Тошкент вилояти Қибрай тумани, Маткабулов қ.ф.й., Дўрман қишлоғи манзилида жойлашган умумий ер майдони 0,8467 га, қурилиш майдони 678,82 кв.метрдан иборат бино ва иншоотлари қўйилмоқда.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2014 йил 11 август кунига қадар соат 10-00 дан 16-00 га қадар қабул қилинади. (13-00 дан 14-00 гача тушлик).

Аукцион савдоси ғолибига 10 кун муддатда олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ, ҳ/р: 20208000700234536001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 207186573, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган мулк билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Аукцион ташкилотчиси — «REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ.

Тошкент шаҳар Буюк Турон кўчаси 41-уй. Лицензия RR 0170, тел: 8 371 233-21-18.

Интернетдаги манзилимиз: www.rcg.uz e-mail: rc.group@inbox.ru.

Хизматлар лицензияланган.

«LOR-SHIFO» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларнинг 11.07.2014 йилдаги умумий йиғилиши қарорига биноан тугатилади. Қўшимча маълумотлар учун Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Феруза мавзеси, 23-уй, 2-хонадонга мурожаат этишингиз мумкин.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

ЎзКУФК қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси жамоаси «Чимён санаторийси» МЧЖ директори Карим Раҳмоновга онаси **Холнисо ТЎХТАСИНОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 12-iyul № 85 (3434)

Ўзбекистон — мутахассислар мамлакати

Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтида 4 мингдан ортиқ талаба қурилиш, ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси, электромеханика ва иқтисодиёт йўналишларида чуқур билим ва касбий кўникмага эга бўлмоқда.

Институтнинг навбатдаги битирувчиларига мутахассислик дипломлари тантанали равишда топширилди.

Бу йил институтни 953 нафар бакалавр ва 113 нафар магистр битирди. Уларнинг 60 нафари имтиёзли дипломга сазовор бўлгани, 5 нафари ўз диплом ишини инглиз тилида ҳимоя қилгани алоҳида эътирофга молик.

Суратда: Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти битирувчилари.

ЎзА фотомухбири Муҳаммад АМИН олган сурат

(Давоми. Бошланиши 2-3-саҳифаларда).

Донишманд Фаридиддин Аттор: «Кўринмаган нарса кўзнинг ичида бўлади» деганидек директор, ўқувчиларни саралаётганда аввал уларнинг кўзига боқади, нигоҳидаги чақнаб турган орқали қалбини кўради, илмга ихлос ва ҳавасини сезади.

— Парвардигори олам ўзи севган бандаларини илм-маърифат, истеъдод билан сийлайди, — дейди Тўхтамурод Жумаев. — Иқтидорли боланинг кўзида нур чақнаб туради. Фақат уни вақтида кўра билиш керак.

Директор бу билан чекланиб қолмайди. пиадачиларга талабаларнинг кўзлари тушади. Юракларида улардан фахрланиш билан бирга ҳавас уйғонади. Йўлакнинг икки томонидаги деворда жаҳон илм-фани даҳолари ҳикматли сўзлари ёзиб қўйилган. Фан кабинетларининг ҳар бири ўзига хос, бетакрор, замонавий жиҳозланган.

Лицейда «Ҳаётингиздаги энг асосий нарса нима?» деган саволга ҳеч иккиланмай болаларга муҳаббат», деб жавоб бераман» деган сўзлар битилган. Бу Тўхтамурод Жумаев бошлиқ ўқитувчиларнинг қалб сўзи. Уларнинг ҳар бири учун шогирд камоли бош мезон ҳисобланади. Ишга қабул қилаётганда

Истиқлолдан юксалган чўққи

ёхуд дунёга машҳур Қоракўл лицейи шуҳрати

Унинг ташаббуси билан академик лицейда ташкил этилган ўрта мактаб битирувчиларини академик лицейга қамраб олиш ва ўқувчиларнинг фанларга қизиқишини ошириш мақсадида ҳар ойнинг охирги якшанбасида таълим йўналишлари бўйича синовлар ўтказилади. Бу синовларда республикамизнинг барча вилоятларидан минглаб ўқувчилар иштирок этади.

Умид билан қадалган ниҳоллар бугун шогирдлар қалбида кўкариб, Қоракўл аталмиш заминда катта боғ бўлди. Бу боғдан аввал Бухорои шарифда, сўнгра республикада энг тоза насимлар эсиб, сарҳил мевалари тилларга тушди. Бунда ўз меҳнат фаолиятини оддий етакчиликдан бошлаган ва мақсади йўлидан мардона бориб, ўзи орзу қилган илм даргоҳида тарбиялаган ўқувчилари билан ном қозонган халқ ўқитувчиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби, 53 йиллик педагогик стажга эга бўлган Тўхтамурод Жумаевнинг хизматлари беқиёс. Директорнинг ўзи бунга бошқача баҳо беради:

— Нимага эришган бўлсак, бари озодлик шарофати ва Президентимизнинг ёш авлодга эътибори ва ғамхўрлиги самарасидир. Она-Ватанимиз мустақил бўлмаганда бундай имтиёз, имкон қайда эди?!.

ҚАЛБ КЎЗИ

— Бола руҳиятида яширинган истеъдод булоғини очиш учун, аввало, ўқитувчининг қалб кўзи очиқ бўлиши керак, — дейди Т.Жумаев. — Муаллим зоти кўнгли билан ўқувчисининг юрагига кириб бориши, ундаги истеъдод қирраларини китоблар ва адабиётлар воситасида очиши керак.

Дарҳақиқат, таълим масканида нафақат қалб кўзи очиқ ўқитувчи-мураббийлар, балки сархил узумлар осилиб турган сўрилар, тоғларнинг тоза насимларини илм толибларига улашаётган гўзал сосна дарахтлари, мевалари ларзон боғ, йўлкаларда битилган ҳикматли сўзлар, қўйингки, дарсхона ва академик лицей нуфузини дунёга таратган жаҳон олимпиадаси нишондорлари ва республика фан олимпиадаси ғолиблари суратлари осилиб турган деворларгача ёшларга сабоқ беради. Ҳар куни бир неча бор суратдаги олим-ҳам директор талабни ана шу мезон билан ўлчайди.

СИНОВ — ЮРАККА ТАШЛАНГАН ЧЎҒ

— Донишманд боболаримиз ботаётган кунга қараб эртани қандай келишини аниқ айтишган, — дейди Т.Жумаев. — Чунки улар буни тажрибадан синашган. Синов, тажрибада гап кўп!

Лицейда ихтисослашган дастурда машғулотлар олиб борилади. Илм даргоҳида ўқишни бошлаган талабанинг қалбига биринчи кундан олимпиада чўғи ташланади. Энг муҳими, ўқишни давом эттиролмаганлар ҳам ютқазмайди. Улар бу ерда олган билими билан хоҳлаган бошқа таълим муассасасида аълочи ўқувчилар сафида ўқишни давом эттириши мумкин.

Т.Жумаевнинг иш услуби бир неча марта оммалаштирилган. «Ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш усуллари», «Замонавий дарсни ташкил этиш йўллари», «Мактабда ички назоратни ташкил қилиш» сингари услубий тавсиялари, математика фанини чуқурлаштириб ўқитиш бўйича 7 та услубий қўлланма ва «Жаҳонга юз тутган мактаб» номли китоби бугун республика миқиёсида ўрганилмоқда. Академик лицейлар учун ўқув, умумтаълим фанлардан ишчи ўқув дастурлари ва режаларини фан кафедраларида ишлаб чиқиб, Бухоро давлат университети профессор ўқитувчилари билан ҳамкорликда илмий кенгашларда муҳокама қилиниб, вилоятдаги академик лицейларда таълим йўналишларига татбиқ этилмоқда.

Хуллас, қоракўллик ўқувчилар қатнашган беллашувларнинг савияли ўтиши тайин. Чунки, уларнинг устозлари қадим ҳикматда айтилганидек, ўқувчилари қўлига балиқ эмас, қармоқ беришган. Шу боис улар нуфузли беллашувларда ўз иқтидори, кучига ишонишади. Ана шу ишонч уларга ғалаба олиб келади.

Илло, эзгуликка очилган юракдан оламга нур, яхшилик ёғилаверади. Ана ўшанда ҳам ҳаммадан кўп Тўхтамурод Жумаев қувонади. Чунки унинг орзуси: эзгулик, илм ва яна яхшилик.

Амина ҚОДИРОВА, «Ishonch» мухбири

Маънавият бекати

Китоб бола дунёқарашининг кенгайишига хизмат қилади. Бироқ китобга меҳр уйғотиш учун ҳаммамиз ҳам зиммамиздаги масъулиятни чуқур ҳис эта олаяпмизми?

Туманимизда янги очилган китоб дўконида, кимлар учундир арзимас туюладиган воқеага гувоҳ бўлдик. 3-синфларда ўқийдиган бола онасини дўконга етаклаб кириб кел-

ЭРТАКЛАРДА АКС ЭТГАН МАДАНИЯТ

бола дунёси гўзаллашувига имкон яратади

ди. Онанинг мажбуран, ўғлининг қистови билангина келгани сезилиб турарди. Биринкетин китобларни варақлаб, кўздан кечира бошлаган бола «Ўзбек халқ эртаклари» китобини олиб беришни онасидан илтимос қилди. Аёл унинг ялинишига қарамасдан, ёнида китоб сотиб олишга пули йўқлигини рўкач қилди-ю, музқаймоқ, кийим-кечак олиб беришни ваъда қилиб, ташқарига йўналди. Ажаб, кийим-кечакка топилган пул китобга келганда чиқмай қолдими? Она бу қилиғи билан ўғлининг онг-у шуурига лоқайдлик, китобларга беписандлик, маънавий тубанлик ҳисларини жойлаб қўймаяптими?

Китоб ўқимаган болани эртага ҳар хил иллатларга берилмайди, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолмайди, деб ким кафолат бера олади.

Инсондаги ижобий хислатлар даставвал оила бағрида шаклланади-ку! Шуни билиб туриб, наҳот фарзандларимизнинг китоб ўқишига тўсқинлик қилсак?!

Яхшини ёмондан, оқни қорадан ажратишни ўргатувчи энг яхши дўстимиз, сирдошимиз китобдир. Ёшларнинг китобдан узоқлашишига йўл қўймайлик. Токи улар эртага эл-юрт корига ярайдиган, етук, баркамол инсонлар бўлиш билан бирга, ўзида ёт ғоя ва таҳдидларга қарши кучли иммунитет ҳосил қила олсин. Шундагина ҳаётимиз чароғон, юртимиз истиқболи порлоқ бўлади.

Назокат МАШАРИПОВА, журналист

Сизнинг адвокатингиз

Хатирчи туман «Камолот» ЁИҲ кенгаши бош ҳисобчиси Б.Турдиев ҳамда кенгаш етакчи мутахассиси В.Тўрақулов маъмурият томонидан ноқонуний тарзда ишдан бўшатилганлиги ҳақида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига мурожаат қилиб, бузилган ҳуқуқларини тиклаш ҳамда мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақини ундириб беришни сўради.

Иш судга етгач...

Бирлашма юридик бўлими мутахассислари мурожаатни кўриб чиқиб, ходимлар меҳнат шартномаларини бекор қилишда шошма-шошарликка йўл қўйилгани, бу жараёнда мамлакатимиз меҳнат қонунчилигининг бир қатор талаблари бузилганлигини аниқлади. Ҳуқуқшунослар томонидан ходимларни ўз ўрнига тиклаш тўғрисидаги маъмурият олдига қўйилган қонуний талаблар бажарилмагач, фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судига даъво аризаси киритишга тўғри келди. Натижада, суд касаба уюшма даъвосини қаноатлантириб, Б.Турдиев ва В.Тўрақуловни ўз жойига тиклаш ҳамда уларга мажбурий бекор юрган даври учун иш ҳақи ундириб бериш тўғрисида қарор чиқарди.

АТИБ «Ипотека банк»нинг Навоий вилоят филиалида ғазначи вазифасида ишлаб келган М.Нуриддинова фаолиятида ҳам шундай воқеа содир бўлди. Уни ишдан бўшатиш тўғрисидаги ноқонуний буйруқни бекор қилиш ҳақидаги касаба уюшмасининг талаби филиал раҳбарияти томонидан бажарилмагач, судга даъво аризаси киритилди. Натижада, фуқаро аввал ишлаб турган вазифасига қайта тикланиб, мажбурий бекор юрган кунлари учун 2362097 сўм иш ҳақи ҳамда 289954 сўмлик маънавий зарар ундириб берилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Агар иш берувчилар меҳнат қонунчилиги бўйича малакали мутахассислар, жумладан, касаба уюшма ходимлари билан бамаслаҳат иш юритганида, корхона-ташкилотнинг ички иши судгача етиб бормаган, ходим ва маъмурият ўртасида керaксиз совуқчилик вужудга келмаган бўлар эди.

Беҳзод ЖУМАЕВ, Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими юристконсулти

ПОЧЧА

Ҳикоя

Баҳриддин телефонини ўчирди-ю, пешонаси тиришди. Поччасининг мулозамати ёқинқирамади унга. Шунақа-да, маданиятни қарз сўраётган одамдан ўрганса-нг экан!.. Яқинда қишлоққа борганида, онаси: «Санам холангнинг эрини бўйраги роса гаранг қилди, қарзга ботиб дўхтирга қатнаб юрибди, бечора...» деётганди. Ҳаммаси равшан, поччасига пул керак бўлиб қолган. Шаҳарда қоплаб бераяпти деб ўйлайди бу одамлар. Эртага қайтаришига кафолат бўлганида ҳам майли эди-я. Лекин, поччанинг қандай одамлиги Баҳриддинга маълум.

— Нима гап, адаси, ким экан? — сўради ўғилчасини чўмилтириб келиб, кийинтираётган хотини.

— Қишлоқдан... Манзилимизни сўради... — худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандек мингирлади Баҳриддин.

Унинг тушкун кайфияти хотинига ҳам юқди.

— Ким..?

— Эши поччa.

— А?!. Нима дейди?

— Қарздир-да, мазаси йўқ дейишаётгуди...

Хотини ирғишлаб ўзига бўйсунмаётган ўғилчасини зарда билан силтаб олди:

— Нафи тегмайдиган хешнинг зарари ҳам тегмаса-да.

***

Кун якшанбалиги боис Баҳриддин оёғини диванга узатиб телевизор кўрди. Тимирскиланиб у ёқ-бу ёққа юрган бўлди, газета титкилади. Вақт тушликка яқинлашганида, кутилган меҳмон ҳам келиб қолди.

— Айланайин, эрталабдан эсган шамол қаерники десам, чимликларники экан-да! — поччасига сир бой бермай остонада қаршилади у. — Бийтиб одамни илҳақ қилдингиз-ай, жезза, — қишлоқча таклиф гапириб, шаҳарда ўзгармаганини намойиш қилган бўлди.

Оғиргина сумкани учинчи қаватга чиқаргунча терга ботган почча ҳам қишлоқдан келтираётган нарсаларини қўйиб, қучоғини очди:

— Ўзимам телефон қилмасдан бораверай девдим-а, — деди соддалик билан. — Шу, холанг қуймади-да. Шаҳарда одат бўлак дейди.

— Нега холамнинг ўзини олиб келмадингиз, бир айланиб кетардилар?

Почча хотини ва бирорта боласини олакелмаганига ичидан астойдил ачинди.

— Эй-й, ул рўзғордан бўшарканми, Баҳриддинжон...

— Ттт-ти, тт-ти, — поччаси келтирган сумкага ҳимо қилиб танглайини қоқди Баҳриддин. — Буларингиз нимангиз-а энди, жезза, овора бўлиб. Ўзингиз келавермайсизми бундоқ?

Почча негадир таажжублангандек бўлди.

— ووораси бўларканми?.. Туршак, чакки дегандай, қишлоқнинг неъматлари-да ахир...

***

Баҳриддиннинг хотини ҳам почча билан кўришиб-сўрашгач, улар меҳмонхонага ўтишди. Келин дастурхон ёзди, чой келтирди.

Поччани шаҳарга мос безатилган хонанинг салобати босар, қайнукасининг ўзига тўқ яшаётганига суюнса-да, ҳурмати бу қадар ошиб кетганидан аллатавир бўларди. Зум ўтмай, дастурхонни «қишлоқнинг неъматлари» ҳам эгаллай бошлади. Бундан кўнгли ёришди поччанинг, хижолати пича ариди. Қайнукасининг меҳмонхонасидаги устма-уст териб қўйилган телевизор, мусиқий марказга ўхшаш нарсаларини, хона бир ёнини тўлалигича эгаллаган сервант тўла чинни-биллур буюмлар-у, ўзлари ҳозир ўтирган диван, креслоларни яна бир қур ҳавас билан кузатиб чиқаркан, яйраб сўз қотди:

— Баҳриддин, сиз шаҳарликларга жуда мазза-да! Ҳамма нарса тўкин-сочин, яшаш шароитларингга гап йўқ. Холанг, айниқса, чироқ ўчиб безор қилган паллалари кўп айтади: «Шу уй-жойни сотсаг-у, бизам шаҳардан шартта битта дум олиб...»

Пастга қараб олма арчиётган бўлсада поччасига зимдан эътибор бериб ўтирган Баҳриддин, у бошлаган гапнинг борар ерини тусмоллади.

— Э-е-ий, жезза, сизлар шунақа дейсизлар-да, — гапини кесди ҳаялламай. — Биз эса сизларга ҳавас қиламиз. Сиз уйдаги бу ашқол-дашқолларга қараманг, жезза. Сиз... Сиз...

У нимадир қидиргандай атрофига аланглади-ю, ниҳоят қўлидаги ярим арчилган олмани поччасига нуқиб кўрсатди:

— Сиз, масалан, манави келтирган олмангизни айтинг. Экиб қўйсангиз уч йилда ҳосилга кирадиган нарса. Ўзингизники, истаганингизча қоқиб еяверасиз. Бизда бунинг донаси фалон сўм ҳозир. Масалан, мана бу келтирган тарвузингизни олайлик, ё қовунингизни айтинг, а? Бекорчиликдан ҳам шуларни ерини чопиб, суғориб қўяверасиз-да, тўғрими. Бозорга чиқарсангиз пул! Бизда-чи, сўраманг буни қанчадан олишимизни...

Баҳриддин «меҳмон иззати учун дастурхонга қўйилган» ширинликлар-у, бошқа ноз-неъматларнинг нархини чамалаб чиқишдан ҳам эринмади. Машинаси йўқлиги, хотини иккаласи ишга бориб келишининг ўзига қанча йўлкира сарфлаётганликларини роса куйиниб гапирди. Поччаси «Унчалик ношукур бўлма...» деб кўнглини кўтармоқчи эди, аксинча, қайнукасининг баттар яраси тирналишига сабабчи бўлиб қолди, шўрлик.

Дами ичига тушди, дили оғримади-ю, кўнгли ғижимланган қоғоздай хижил бўлди поччанинг. Айтган гапига минг пушаймонлар еди. Анойи одам, бу ёқларда нарх-навонинг бунчалик эканлигини қаердан ҳам билибди.

Пича фурсатдан бери кўзга ташланмаётган келин дастурхонга ўртачароқ товоқда палов келтириб қўйди. Почча ҳар қанча қишлоқи бўлмасин, чойхона-пойхонага чиқиб юрган одам эмасми, чойхонанинг паловини дарров таниди. Чойхонада шунақа, палов серсабзи бўлиб, устига карам, саримсоқ босиб қўйилади. Ҳойнаҳой буларнинг уйида гуруч, ёғ деганлари ҳам тахчил чиқар. Чин, сувгача сотиб олгандан кейин, шаҳарда яшашнинг ҳам ўзи бўлмаса керак-да. Бечора келини, аҳволини сездирмай деб пастдаги тамаддихонадан овқат келтирибди, шекилли.

Келини товоқни дастурхонга қўйиб, синиққина табассум қилди:

— Олинг, почча, дастурхонга қараб ўтиринг. Ўз уйингиздагидай бемалол... — сўнгра ўғилчасини етаклаб нариги хонага чиқиб кетди.

Баҳриддин ҳам поччани ошга уннай бошлади, лекин...

Почча қуйнукасининг уч-тўрт яшар ўғилчаси кетган эшикка тикилиб қолди... Шугина гўдакда бор виждон поччада йўқми?! Шугина гўдак ошдан мен ҳам ей, демади, шугина гўдак ҳалитдан бери дастурхондаги бирор қанд-курсга узанмади. Шугина гўдак... Қайнукасининг рўзғори бекорга бунчалик чарчамайди. Сир беришни истамаяпти, ишида бир ишкаллик чиққанга ўхшайди бунинг. Поччанинг ичидан ич-қириндиси кетди. Меҳмонга келмай ҳар бало бўл Эшим говкалла! Етмай ётган ҳолинг бормиди, ўлармидинг шунча вақтдан бери хеш бўлиб бир хабар олсанг... Ўлармидинг хотиндай чакки кўтариб юргунча, бир қўйни сўйиб, айириб келсанг...

Почча алам билан нон кавшади. Еганлари заҳри-заққум бўлди, ичган чойи ичакларида шалдур-шулдур қилди. Қайнукаси шаҳар шароити-ю нархи-навосидан нолишдан, почча ичида ўзини сўкишдан чарчамади. Ўртада овқат мустар қолди... Баҳриддин сезмагандек поччасини ошга уннаб қўяр, унинг тобора ўзгараётган рангига қараб «Касаллиги чинга ўхшайди» дея ўйларди. «Қарз қайтарадиган ҳоли йўқ бунинг, — дерди кўнглида, — сўраб қолса худо урди!».

Ниҳоят почча сафари қариб, қайнукасидан кетишга рухсат сўради. Баҳриддин ётиб кетасиз, деб ҳарчанд қисталанг қилмасин, унамади. Қайнукасини бағрига босиб хайрлашаркан, ўпкаси тўлди. Остонагача кузатишга чиққан келинига, унинг қўлидан сиқиб турган думбулгина гўдагига қараб баттар ичи куйди. Сумкасини ҳам олишни унутиб, жўнаб кетди.

***

Қулоғи том битган почча, шаҳарнинг гердайган, ҳиссиз бетон уйлари оралаб гандираклаб кетиб бораркан, бўғзига аччиқдан-аччиқ нарса тиқиларди.

«Эшим говкалла, ҳе одамгарчилигингга лаънат сени, мол!»,— сўкарди ўзини.

«Нармат серри, ўғлинг шаҳарда бу кунда яшайди-ю, ота бўлиб бош кўтариб юрганингга ўлайми, эшшак!» — сўкарди божасини.

«Тағинам гўдакнинг тантилигини қара, ҳамма дарди ичида, барибир сир бой бермади-я. Аҳволи жа бунақа эмасди-ку, нима бўлдийкин бунинг ишига...»

Айни пайтда эса қайнукаси билан келини уйида ўзга бир кайфиятда эдилар.

— Гап билан «пишириб» юбордим, нимага келганини унутиб, яна сумкасиниям ташлаб кетибди соддаси тушмагур, — тиззасига уриб куларди қайнукаси.

Почча автобус бекатига яқинлашганда, ортига бурилиб, бошқа домларникидан ажралиб ялтиллаб турган кўкиш, олди балконли деразага яна бир марта қаради:

«Беш кундан кейин жумабозор, ғунажинни сотаман-у, пулини келтираман. Қариндош деган шундай кунда ярамаса, қачон ярайди?!» — деди ўзига-ўзи.

Байрам АЛИ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002
9 772010 500009
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -18 00
Topshirildi - 18. 20

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 718 | 13934 nusxada bosildi | 1 345